

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Сайдов Машъал Самадович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
докторант и.ф.н., доцент

Аннотация. Табий монополияларни ислоҳ қилиш уларни бутунлай йўқотиб бўлмаслиги, балки улар фаолиятида замонавий бошқарув ва бозор механизмларини қўллаш орқали, кам харажатлар балансларга ўтиши, истеъмолчилар хошишини қондиришида сифат ва нарх бўйича рақобат муҳитини оширишга қаратилган ўзгаришларни доимо ривожлантириб бориш бўйича хориж тажрибалари ўрганилиб, мамлакатимиздаги табий монополиялар фаолиятини бошқарши ва тартибга солиши бўйича илмий-услубий ва амалий тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: табий монополия, рақобат сиёсати, нарх сиёсати, нархли усуllар, нархсиз усуllар имтиёзлар, қонун ва қарорлар, бозордаги юқори мавқе, хориж тажрибаси, тартига солиши усуllари, тартибга солиши механизмлари, бошқарши органлари.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ УПРАВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ ЕСТЕСТВЕННЫХ МОНОПОЛИЙ

Сайдов Машъал Самадович -
Ташкентский государственный экономический
университет, к.э.н., доцент

Аннотация. Управление естественными монополиями в нашей стране должно быть изучено, чтобы гарантировать, что реформа естественных монополий не может быть устранина полностью, но за счет использования современных управленических и рыночных механизмов, перехода на низкозатратные балансы, развития конкурентной среды в России. по качеству и цене, а также научно-методические и практические предложения и рекомендации по регулированию.

Ключевые слова: естественная монополия, конкурентная политика, ценовая политика, ценовые методы, бесценные методы, льготы, законы и решения, высокое положение на рынке, зарубежный опыт, методы регулирования, механизмы регулирования, органы управления.

FOREIGN EXPERIENCE IN MANAGEMENT AND REGULATION OF NATURAL MONOPOLIES

Saidov Mashal Samadovich -
Tashkent State University of Economics,
PhD (in economics), dotsent

Annotation. Management of natural monopolies in our country should be studied to ensure that the reform of natural monopolies is not completely eliminated, but through the application of modern management and market mechanisms in their activities, the transition to low-cost balances, constantly evolving changes to improve the competitive environment in terms of quality and price. and scientific-methodical and practical suggestions and recommendations on regulation.

Keywords: natural monopoly, competition policy, price policy, price methods, priceless methods, privileges, laws and decisions, high position in the market, foreign experience, methods of regulation, regulatory mechanisms, governing bodies.

Кириш. Табий монополиялар ҳар қандай иқтисодиёт шароитларида халқ хўжалиги фаолиятининг асосини ташкил этувчи тармоқ ёки корхоналар бўлиб ҳисобланади. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматларнинг ягоналиги, бозорда ягона мавқеига эга бўлиш, маҳсулот ёки хизматга нарх белгилашда устунлик қилиш имконини оширади.

Дунё мамлакатларида табий монополияларнинг тармоқлари анъанавий равиша электр энергетикаси, темир йўллар ва қувур транспорти, газ ва сув таъминоти ва бошқаларни ўз ичига олади. Мазкур табий монополиялар мамлакат ичida барча тармоқларнинг ажралмас технологик элементи сифатида ўзини намоён этса, мамлакат ташқи сиёсатида қўшни

давлатлар ва бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади.

Табий монополияларни ислоҳ қилиш уларни бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди, улар фаолиятида замонавий бошқарув ва бозор механизмларини қўллашда, кам харажатлар балансига ўтища, истеъмолчилар хошишини қондиришида сифат ва нарх бўйича рақобат муҳитини оширишга қаратилган ўзгаришларга олиб келади.

Мамлакат иқтисодиётида табий монополияларнинг мавжудлиги ва ривожланиши асосан уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари хусусиятига боғлиқдир. Бир томондан, бу муносабатлар табий монопол ташки-

лотларнинг самарали фаолият кўрсатишига имкон берувчи ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида жамиятда тегишли иктисодий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароит ва тамойилларнинг яратилиши билан таъминланган “мувозанат” нинг динамик таъсири билан белгиланади. Бошқа томондан, жамиятга ҳаётий муҳим маҳсулотлар ёки хизматлар кўрсатиш орқали монопол тузилмалар тадбиркорликнинг барча соҳалариға сезиларли (ва кўпинча ҳал қилувчи) таъсир кўрсатади. Табиий монополияларнинг бундай таъсири кўпинча салбий оқибатларда кўпроқ дараҷада намоён бўлади, яъни: монопол маҳсулотлар (хизматлар) учун нархларни (тарифларни) оширишда; бошқа ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчиларга нисбатан камситувчи шароитларни юзага келтиришда; потенциал рақобатчиларнинг монополашган бозорига кириш учун муҳим тўсиқлар яратади.

Табиий монополиялар фаолиятини бозор шароитида амалга ошириш ва уни тартибга солиш жамиятнинг кўпгина соҳалариға: иктисодий, ахборот, технологик жиҳатларига, сиёсий ва ижтимоий соҳаларга оид энг мураккаб ва мунозарали муаммолардан биридир. Таркибий ўзгаришлар, бозор механизмлари ва прогрессив технологияларни жорий этиш, давлат томонидан тартибга солиш ролини такомиллаштириш ва ўзgartириш таъсири остида юзага келадиган жамоатчилик билан алоқалар хукуқий тартибга солишга муҳтоҷ.

Кўпгина иктисодий ривожланган мамлакатларда монопол бозорни ташкил этиш моделларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ислоҳотларнинг йўналиши давлат монополиясининг ҳаддан ташқари хукумат назоратини бартараф этиш ва рақобатлашган бозор учун шарт-шароитларни вужудга келтириш зарурати билан белгиланди.

Бугунги кунда иктисодий назарияда табиий монополияни тартибга солиш усуллари ва чегаралари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бу масалалар мунозарали характерга эга. Бироқ, ҳар қандай тартибга солиш нафақат табиий монополияга, балки мамлакат иктисодиётiga, умуман жамиятга ҳам зарар келтириши мумкин деган умумий қарашлар ҳам мавжуд.

Табиий монополияларнинг маҳсулотлари юқори ижтимоий аҳамиятга эга, шунинг учун бу тармоқларни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлиги умуман иктисодиётнинг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Таъкидлаш лозимики, бугунги кунга келиб дунёда табиий монополияни давлат томонидан тартибга солишнинг умумжаҳон ягона турдаги усулари мавжуд эмас. Ҳар бир усул ҳам ўзининг афзалликларига, ҳам камчиликларига эга. Тартибга солиш усуллари танлаш бир қатор омилларга боғлиқ бў-

либ, энг асосийси мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ошириш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш керакки, табиий монополияларни бошқариш ва тартибга солища дунё мамлакатлари амалиётида мавжуд бўлган тажрибалар, усуллар ва мезонларни ўрганган ҳолда, доимо табиий монополиялар фаолиятида замонавий бошқарув ва тартибга солиш усулларини такомиллаштириб бориш долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Табиий монополияларни тартиб солиш ва бошқариш бўйича иктисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фирм ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан табиий монополияларнинг келиб чиқиш сабаблари, мамлакат иктисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Монополия шароитида рақобат муҳитини шакллантириш йўлини биринчи бўлиб 1838 йилда А.Курно томонидан “Бойлик назариясининг математик тамойилларини тадқиқ қилиш” асарида келтирилган. Унинг фикрича, товар ишлаб чиқариш бир кишининг қўлида жамланса, бу мутлоқ монополияни ташкил этади[1].

Табиий монополия иктисодиётнинг таркибий тузилиши-унинг барқарорлиги, яхлитлиги ва самарадорлигини таъминловчи унсур вазифасини бажаради. Табиий монополия субъектларининг фаолият кўрсатиши якуний макроиктисодий кўрсаткичларга, ижтимоий соҳага ва мамлакат хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсатади [2].

Л.И.Лопатниковнинг таъкидлашича “табиий монополия” тушунчасига қўйидагича таъриф беради. Бир томондан, бу ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда рақобат бўлмаганда товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) саноат талабига самарали жавоб берадиган ҳолатдир. Унинг товарлари ва хизматлари сезиларли нарх ўзгаришидан қатъий назар барқарор талабга эга, чунки уларни бошқа товарлар билан алмаштириш мумкин эмас (шаҳар электр таъминоти тизими) [3].

“Табиий монополия” тушунчасига биринчилар қаторида Ж.С. Милл томонидан ўз фикрларини қўйидагича келтиради. У рақобатнинг фаол тарафдори сифатида бошқарувнинг айрим соҳаларида табиий монополиянинг афзалликларини тан олмасдан, “Ҳақиқий жамоат аҳамиятига эга бўлган корхона ўз вазифаларини фақат шундай кенг миқёсида фойда келтириши мумкинки, рақобат эркинлиги деярли йўқ бўлиб қолади” [4].

А.Маршалл томонидан рақобатнинг технологик концепциясига асос солиб, монополиянинг пайдо бўлишининг сабабларини баъзи “табий” ҳолатлар мавжудлиги билан тушунтиради. У томонидан иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш концепцияси ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. “Ишлаб чиқаришни кенгайтириш унинг рақобатбардош устунлигини тезда оширади ва ўз маҳсулотларини сотиш нархини пасайтиради”[5].

М.Кларк қўшимча харажатларнинг тузилиши ва хусусиятини таҳлил қилиб, табиий монополия тушунчасига катта ҳисса қўшди. Унинг таъкидлашича, ялпи харажатлар улуши юқори бўлган айрим соҳаларга рақобат муҳити мукаммал эмас. Талаб пасайганда бундай тармоқларда нархлар ўртacha харажатлардан паст бўлиши мумкин. Бошқа пайтларда, ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмолчиларни нарх борасида камситилиши, яширин чегирмалар ва бошқа воситалар билан етказилган зарарни қоплаш уринишларини кузатиш мумкин[6]. М.Кларк харажатлар камаядиган соҳаларни эмперик ўрганишнинг кашфиёти ҳисобланади, унинг фикрича, қисқа вақт ичида доимий, узоқ муддатда ўзгарувчан деб ҳисоблаш мумкин.

И.Никуйко табиий монополияларни давлат томонидан тартибга солиш зарурлигини учта асосий омил билан белгилайди, яъни, бозорнинг “муваффақиятсизлиги”; бекарор мувозанат; макроиқтисодий барқарорлаштириш зарурияти билан боғлиқ [7].

XX асрнинг 70 - йилларида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда табиий монополиялар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пастлиги, давлат томонидан эса тартибга солишнинг юқори харажатлар билан амалга оширилаётганлигига сабаб бўлди. Бунинг ошкора ёмон натижалари, техника тараққиётидаги турғунлик ва баъзида талаб қилинган миқдорда хизматларни таъминлашдаги узилишлардан ижтимоий қониқмаслик каби муаммолар вужудга келди [8-976].

Табиий монополияни давлат томонидан тартибга солишнинг вазифаси фирмани камроқ харажатларда кўпроқ ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шу билан биргараф этиш (тўлиқ ёки қисман) эса монопол нархларни ўрнатишдан иборат [9].

Э. Чемберлиннинг таъкидлашича монопол рақобат, бозорда истеъмол хусусиятларига эга бўлган маҳсулот (хизмат)ларнинг табақалаштирилган шаклидир. Бунда табиий равишда бошқа фирмалар учун ҳам монопол бозорга киришни таъминлади [10].

Табиий монополияларни тартибга солишнинг нархсиз усулларига қўйидагилар киради[11]: табиий монополия маҳсулотларини

стандартлаштириш ва сертификатлаш, мажбурий аудит, табиий монополия сегментини ажратиши, битта компания ичидаги потенциал рақобатбардош ва табиий монополия сегментларининг алоҳида балансини юритиши, тендерларни ташкил қилиш, франчайзинг учун истеъмолчиларнинг айрим гурухларига мажбурий хизмат кўрсатиши.

Ж.Сапир табиий монополияларни тартибга солиш ва назорат қилишнинг икки турини таъкидлайди. Биринчиси, ташқи назорат – “меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш орқали ёки тузатувчи солиқ (жарима ва субсидиялар)”. Иккинчиси, ички назорат – “давлат органлари вакилларининг мавжудлиги (хуқуқий ҳолатлар билан компания ичida қарор қабул қилиш)”[12].

Табиий монополияни тартибга солишнинг асосий вазифаси унинг иқтисодий самараадорлигини оширишdir. Бироқ, амалда табиий монополия субъекти фаолиятининг самараадорлигини аниқлаш ва уни рақобатбардош бозорнинг муқобил самараадорлиги билан таққослаш жуда қийин. Бундан ташқари, тарих шуни кўрсатадики, монополлаштирилган ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган тегишли ва ўлчанадиган самараадорлик мезонини танлаш осон эмас [13].

Евросиё иқтисодий Иттифоқига аъзо давлатлар Қонунчилик тизимининг таҳлили шуни кўрсатдики, у табиий монополияларга нисбатан шундай қурилганки, ҳар томонлама монополистларнинг иши айнан яқуний истеъмолчига қаратилган. Шу билан бирга, табиий монополиялар ўз манфаатларини бошқа монопол тузилмаларга нисбатан жамият ҳисобига амалга ошири имкониятларини ошириди [14].

Табиий монополия - бозорда мавжуд бўлган компания учун беҳисоб харажат афзаллиги асосланган монополиядир. Табиий монополия мавжуд бўлиши мумкин, чунки у ноёб табиий ресурсларга эга, масалан, маълум бир минералнинг ягона маъданли конларига эга бўлган маъдан ёки ўтмишда рақобатчи томонидан такрорланиши керак бўлган инвестициялар туфайли, масалан, миллий электр таъминоти тизимида. Табиий монополияни бозорда мавжуд бўлган компаниянинг позициялари мумкин бўлган рақобатчиларни бартараф этиш учун қонунларга асосланган қонуний монополиядан ажратиши керак. Агар бозорда мавжуд бўлган фирманинг афзаллиги фақат зарур технологияга киришидан келиб чиқса, агар у бошқа фирмаларнинг ноу-хауга мос кела олмаслигига асосланган бўлса, бу табиий монополия, лекин у фақат патентларга эксклюзив эгалик қилишга асосланган бўлса, бундай эмас [15].

Табиий монополияларнинг кўпчилигининг инфратузилмавий хусусиятларига эътибор

қаратадиган бўлсак, инқироз шароитидан кейин иқтисодий фаолликни тиклаш учун асосий бўғин бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли айтиш мумкинки, табиий монополиялар томонидан тарифларни тартибга солиш қўпинча тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб келган. Бундан ташқари, табиий монополиялар асосан йирик миқдордаги солиқ тўловчилар бўлиб ҳам ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари бўйича бир тоифадаги иқтисодчи олимлар табиий монополиянни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича расман тан олинган муқаррар монополия деб ҳисоблайдиган бўлсалар, иккинчи тоифадагилари, уларга нисбатан монополия ҳолати монопол ташкилотларнинг табиий ҳуқуқларидан ёки давлат ва бутун аҳоли учун иқтисодий манфаатлардан келиб чиқади деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқот методикаси. Табиий монополияларни бошқариш ва тартибга солиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Давлатнинг табиий монополиялар соҳасидаги вазифаларининг бир қисмини бизнесга ўтказиш жараёни Ўзбекистонда ҳам амалга оширилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнлар зиддиятли, ноизчил суратда, бизнес учун ҳам, жамият учун ҳам катта харажатлар ва юқори хатарлар билан кечмоқда. Шу билан боғлиқ равишда жаҳон амалиётида тадбиркорлик соҳасини табиий монополиялар соҳасига жалб қилиш қандай шаклда амалга оширилишини, янги бозорлар қай тариқа шаклланишини, қандай восита ва механизmlар ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш хатарлари пасайишини таҳлил қилиш катта қизиқиши ўйғотмоқда [8-1116].

Мамлакат иқтисодиётида табиий монополиялар ўзларининг афзалликлари ва камчиликлари таъсир этиш ҳолатлари. Табиий монополияларнинг афзалликлари [16]:

- ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали, иқтисодий самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтириш имкониятининг юқорилилиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун ягона стандартларга риоя қилиш;

- бозорда ўз ўрнига эга бўлиш ва бозор механизмларига мослашиш имкониятининг кўплиги;

- ички бошқарувдаги ва ҳамкорлар билан шартнома шартларидағи устунлик мавқеига кўра иқтисодий йўқотишларни камайтириш имконининг мавжудлиги

- илмий – техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш даражасини юқорилилиги, айниқса улар монополия доирасида ишлаб чиқарилган бўлса.

Табиий монополиянинг камчиликлари:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг баҳосини бозор талабларига асосида эмас, балки ўзи белгилаш имконининг мавжудлиги, бунинг натижасида харажатларни охирги истеъмолчига ўтказиши;

- монополиялар рақобат йўқлиги сабабли технологик тараққиётга тўсқинлик қилиши мумкин;

- монопол ташкилот маҳсулот сифатини пасайтириш орқали ўз харажатларини камайтириши мумкин.

Табиий монополияларни тартибга солиш ва бошқариш жараёни ҳозирги даврда энг дол зарб масалалардан бири – монополияларнинг кўпчилиги, электр энергетикаси соҳаси, нефтгаз саноати, транспорт тармоғида тегишли ҳисобланади. Бу тармоқ ва соҳалар иқтисодиётизмнинг бевосита ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий инқироз ёки пандимия шароитларида бу соҳа ёки тармоқларни таъсири айниқса катта. Давлатнинг монополияга қарши сиёсатининг моҳияти, чора – тадбирлари ва мақсадларини таҳлил қилишдан олдин, аввало, қўйидаги саволларни тушиниш лозим: монополия нима, соф табиий монополия, легал (қонуний) табиий монополия, олигополия, монопсония, монополиянинг шаклланишига йўл қўйиб бўлмайди, мукаммал рақобат ва монопол рақобат нима деган тушунчаларни аниқлаштириб олиш лозим.

Иқтисодий адабиётларда мукаммал рақобат монополияга қарши ва рақобат қонунлари билан ҳал қилинмайдиган рақобатнинг номукаммал шакллари сифатида изоҳ берилган. Номукаммал рақобат монопол рақобат, олигополия ёик монопсония деб таърифлалади. Монопол рақобат деганда бозорда дифференциланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган нисбатан кўп сонли ташкилотлар тушинилади. Олигополия – бу бозорда сотувчи ва харидорларнинг кўп сонли бўлишини англатади. Монопсония – бу бозорда маълум маҳсулот ёки хизматларнинг ягона харидорининг мавжудлиги. Соф табиий монополия ва легал табиий монополияларни илмий тадқиқот олиб бориш давомида қонунчиликда келтирилган табиий монополия турлари иккига ажратилган. Бозорда монополияларнинг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари 1-жадвалда келтириб ўтилган.

МАКРОИҚТЫСОДИЙ СИЁСАТ

1-жадвал

Бозорда монополияларнинг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари

| Бозор тури | Бозордаги тадбиркорлик субъектлар сони | | Маҳсулот алмаштириш имкони | Маҳсулот-нинг бир хиллиги | Бозорга кириш ва чиқиши | Ташкилот-нинг бозор даги улуши | Бозор субъект ларининг ўзаро алмаштирилиши |
|------------------------|--|-----------|----------------------------|---------------------------|-------------------------|--------------------------------|--|
| | сотувчи | харидор | | | | | |
| Монополия: | битта | кўп чилик | йўқ | бир хил | чекланган | тўлиқ | ҳеч ким |
| Соф табиий монополия | битта | кўп чилик | йўқ | бир хил | чекланган | тўлиқ | ҳеч ким |
| Легал табиий монополия | чек ланган | кўп чилик | қисман ёки йўқ | кичик фарқ ёки бир хил | чекланган | тўлиқ | жуда кам ёки йўқ |
| Олигаполия | бир нечта | кўп чилик | бор лекин фойдаси йўқ | бир хил ёки фарқли | чекланган | катта | муҳим |
| Монопсония | кўп чилик | битта | аҳамият сиз | кичик фарқ ёки бир хил | чекланган | тўлиқ | ҳеч ким |
| Муқаммал рақобат | кўп чилик | кўп чилик | тўлиқ | бир хил | оазод | тент ва катта эмас | ҳеч ким |
| Монопол рақобат | чек ланган | кўп чилик | юқори даражали | турли хил | чекланган | якка устунлик ва кичик улуш | аҳамият сиз |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Табиий монополияни тартибга солиш ва бошқариш бўйича дунёning етакчи мамлакатларида қўйидагилар эътироф этилади:

- миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва табиий монополия соҳаларидағи вазиятни қисқа вақт ичida яхшироқ томонга ўзгартириш, давлат-хусусий шерикчилик бўйича ҳамкорликдан кенг фойдаланиш;
- табиий монополия соҳаларининг асосий бўғинида “Таркибий бўлиниш” ишларини амалга ошириш ва маданиятли рақобат яратиш учун

зарурый шарт-шароитларни потенциал рақобат йўналишларига мослаштириш;

- табиий монопол ташкилотларнинг бозорда мутлақ позициясини истисно қилиш имконини берадиган нархлаш жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш.

Табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш тажрибаси юқори бўлган мамлакатлар амалиётида уларни қайси органлар томонидан бошқарилиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Франция, Германия ва Буюк Британиянинг тармоқ фаолиятларини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари [17]

| Тармоқ номлари | Франция | Германия | Буюк Британия |
|------------------------------------|---|---|-----------------------------------|
| Энергетика (электр ва газ) тармоғи | Энергияни тартибга солиш комиссияси (CRE) | Федерал тармоқ агентлиги (BNetzA) | Газ электр бозори идораси (OFGEM) |
| Авиация транспорти | Фуқаро авиация бош бошқармаси (DGAC) | Федерал авиация бошқармаси | Фуқаро авиация бошқармаси (CAA) |
| Автомобил транспорти | Темир йўл ва автомобел йўллари фаолиятини тартибга солувчи органлар (ARAFTER) | Автотранспорт Федерал идораси | Темир йўл ва йўл идораси (ORR) |
| Темир йўл транспорти | | | |
| Почта хизматлари | Электрон алоқа ва хабарларни тартибга солувчи орган (ARCEP) | Федерал тармоқ агентлиги (BNetzA) | Алоқа идораси (OFCOM) |
| Телекоммуникациялар | Юқори аудиовизуал кенгаш (CSA) | Давлат оммавий ахборот воситалари муассасалари деректорлар кенгashi | |
| Аудио-визуал | | | |

Хозирги кунда дунёning кўплаб мамлакатларида табиий монополия бўлиб ҳисобланган, электр энергетика, нефт-газ, алоқа ва транспорт тармоқларида либераллаштириш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Барча мамлакатларда маълумки ҳар бир соҳада либераллаштириш чегаралари ҳар хил, шунингдек унинг натижалари мамлакат қонунчилиги кўра табиий монополия сегментини минимал даражага туширади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда рақобатбардошликтин таъминлаш омиллари:

- техник ва технологик тараққиётнинг юқори даражаси;
- ишлаб чиқариш жараёнининг илмий ва инновацион ривожланиши;
- аҳолининг саводхонлик ва саломатлик даражасининг юқори суръатлари;
- иқтисодий фаолият субъектларининг ахборот-коммуникация тизими орқали юқори интеграциялашуви;

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

- бозор инфратузиласининг сифати ва самарадорлик даражасининг юқорилиги;
- ички бозор сиғимининг юқори дараҗаси;
- қулай инвестицион ва инновацион мұхитнинг юқори суръатлари ва бошқалар.

Табий монополия соҳаларини давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий ва

технологик чегаралари асосида ҳамда танланған бозорнинг ижтимоий ва стратегик чегараларига қараб ажратилади. Бозор чегаралари асосида фаолият соҳаларини аниқлаш, давлат томонидан тартибга солиши механизмларини ҳам белгилайди. Буни 3-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Табий монополияларни тартибга солишининг чегара турлари

| Фаолият соҳалари | Чегара тури | тавсиф | Давлат томонидан тартибга солиши механизмлари | |
|-----------------------|-------------|---|---|---|
| | | | асосий | кўшимча |
| Соф табий монополия | технологик | жараён технологияси туфайли рақобат мүмкін эмас | техник | бозорга кириш ҳуқуқи |
| | иқтисодий | Рақобат иқтисодий жиҳатдан самарасиз | нархли | бозорга кириш ҳуқуқи |
| Легал табий монополия | стратегик | рақобат давлат манфаатларига зиддир | бозорга кириш ҳуқуқи | монополияга қарши нархлаш |
| | ижтимоий | рақобат ижтимоий фойда нуқтаи назаридан самарасиз | субсидия | нарх, бозорга кириш ҳуқуқи, монополияга қарши |

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Халқаро тажрибада, инсофсиз рақобатга чек қўйиш, давлатнинг монополияга қарши курашиш сиёсатининг бир қисми ёки алоҳида тизими сифатида кўрилади [18]:

Францияда - инсофсиз рақобатга чек қўйиш аввало "Фуқаролик тўғрисида"ги Кодексда белгиланиб ўтилган. Ушбу Кодексда келтирилган қоидалар асосида, кейинчалик инсофсиз рақобат билан курашиш соҳасига тегишли бошқа қонунлар ишлаб чиқилган.

Германияда - 1909 йила қабул қилинган "Инсофсиз рақобатга чек қўйиш тўғрисида"ги Қонун бугунги кунгача энг соҳадаги энг асосий норматив акт бўлиб ҳисобланади. Ушбу Қонун асосида, Германия судлари жуда бой тажриба орттириб ва тизим яратди, шу кунга қадар инсофсиз рақобат билан курашиб келмоқда.

АҚШда - инсофсиз рақобат тизими иккита даражага бўлинган - Федерал ва штатлар кесимида. Федерал даражада 1946 йилда қабул қилинган "Товар белгилари тўғрисида"ги Қонун аҳамиятга эга. Штатлар кесимида инсофсиз рақобат билан курашишда - маҳаллий судлар тажрибаси мухим ҳисобланади.

Табий монополиялар фаолияти давомида бозорда ноҳақ устунликка эгалик қилишади, чунки улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматларнинг ягоналиги ёки улар ўз маҳсулот ва хизматлари билан бозорни назорат қилишади. Табий монополиялар фаолият турлари бўйича ҳар хил бўлсада, лекин улар ўхшаш хусусиятлар эга:

Бозорга киришининг юқори тўсиқлари – рақобатчилар ягона назорат остида бўла олмайдилар.

Ягона сотувчи – бозорда маҳсулот ёки хизматга эга бўлган фақат битта сотувчи бўлади.

Нарх белгиловчи – табий монопол ташкилотлар рақобатчининг маҳсулот ёки хизмат турининг нархини пасайтирасдан, ўз маҳсулотининг нархини белгилаши мүкин. Монопол ташкилотлар ўз хошишига кўра маҳсулот ёки хизматларининг нархини кўтариши мумкин.

Иқтисодий ҳолати – табий монопол ташкилотлар хом-ашёни катта миқдордаги чегирмалар билан сотиб олиши мумкин. Шундан сўнг ўз маҳсулотлар нархини шунчалик пасайтира оладики, рақобатчи бўлган кичик ишлаб чиқарувчилар иқтисодий инқирозга учрашади

Хулоса ва таклифлар. Монополия – бу бозорда фақат битта ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг тартибга солинадиган ва муайян турдаги нахри мустақил белгилайдиган вазият. Ҳар қандай монополиянинг қуидаги асосий хусусиятларига кўра ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Монопол ташкилот томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фақат шу ташкилот томонидан назорат қилинади.

2. Монопол ташкилот томонидан ишлаб чиқарилаёт маҳсулот ягона ҳисобланади ва бозорда унга ўхшаш бўлган маҳсулот тури йўқ.

3. Монопол маҳсулот ва хизмат турлари тўлиқ монопол ташкилот томонидан назорат қилинади ҳамда нарх белгиланади. Бу бозорда яққол устунлик қилиш ҳолатига олиб келади.

4. Рақобат йўқлиги сабабли бозорга кириш бутунлай ёпиқ. Сабаби, монопол ташкилот маҳсулотидан бошқа маҳсулотнинг мавжуд эмаслиги.

Табиий монополия – бу монополиянинг бир тури бўлиб ҳисобланади ҳамда ўзига хос бўлган шароитлар туфайли юзага келади, яъни бу ерда технологик ва иқтисодий (соф табиий монополия) ҳамда стратегик ва ижтимоий (легал табиий монополия) вазиятларга кўра пайдо бўлади. Мамлакат иқтисодиётининг асосий провайдери бўлиши ҳам мукин, чунки унинг географик жойлашуви, кўп микдордаги солиқ тўловчи эканлиги, катта ҳажмдаги иш ўрнини яратувчи, давлатнинг ташқи сиёсатида асосий бўғинларни белгилаб берувчи хусусиятлари мавжуд.

Табиий монополияларга битта ташкилот маҳсулот ёки хизматни ҳар қандай потенциал рақобатчига қараганда арzonроқ нархларда етказиб бериши мумкин, лекин кўпинча истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўра табиий монополиялар қуйидаги нархлаш усуллари орқали тартибга солинади:

1. Маржинал харажатлар усули – давлат, монопол ташкилот томонидан белгиланган нархни унинг чекланган харажатларига тенг бўлишини талаб қиласида ва унинг назоратини таъминлайди. Бу орқали табиий монополия маҳсулотларини ишлаб чиқаиш ва истеъмол қилиш самараорлигини таъминлайди, бу эса кўпинча юқотишларга ва давлат маблағлари ҳисобидан табиий монополияларни субсидиялашга олиб келади.

2. Ўртача харажатлар усули – бу монопол ташкилотнинг барча даромадлари, одатдагидан ташқари (яъни, нарх ўртача харажатларга тенг қисми) олиб ташланишидан иборат. Бу усул натижка бериши мумкин, натижада маҳсулот умуман иқтисодиётнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган маҳсулотга нисбатан жуда кам ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, у харажатларни минималлаштиришга қизиқиш билдиришади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cournot A. *Recherches sur les Principes Mathématiques de la Théorie des Richesses* // Augustus M. Kelly. -1960. -P. 59.
2. S. Kirsanov, E. Safonov, S. Ramirez. *Natural monopoly in Russia: state regulation problems*. Baltic Journal of Real Estate Economics and Construction Management. 5(1). August 2016.
3. Л.И. Лопатников. Экономико-математический словарь: словарь современной экономической науки / Л. И. Лопатников. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Дело, 2003. - 520 с.
4. Дж. С. Миль Основы политической экономии. Т. 1. - М.: Прогресс, 1980.
5. А. Маршалл Принципы экономической науки: В 3 т. - М.: Прогресс, 1993.
6. J.M Clark. *Studies in the Economics of Overhead Costs*, The University of Chicago Press, Chicago, 1923.
7. И.Б. Никуйко. Классификация российских естественных монополий / Вестник Министерства РФ по антимонопольной политике и поддержке предпринимательства. 2001. №1. С.17-20.
8. М.С.Саидов. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиши масалалари. Иқтисодлиги – 08.00.13 – Менежмент. Иқтисодиёт фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2009.
9. В.В.Гальперин Лекция 48. Монопольная власть [Электронный ресурс] // В.В.Гальперин, В.М.Гальперин // 50 лекций по микроэкономике: [электронный учебник]. – Режим доступа: <http://goo.gl/TFaMyo>. – По состоянию на 12.02.2016. – Загл. с экрана.
- 10.Э.Чемберлин Теория монополистической конкуренции (Реориентация теории стоимости). М.: Экономика. 1996.

майди (монопол ташкилот унинг харажатларини қопланишини олдиндан билади).

3. Нархлар чегарасини белгилаш усули – бу усулнинг қўлланиши натижасида бозорда маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, яъни маҳсулот танқислигига олиб келади. Бу орқали импорт ҳажми ошиб кетади, миллий валютанинг четга чиқиб кетиш ҳажмини оширади.

4. Субсидиялаш усули – кўпгина иқтисодиётини ривожланган мамлакатлар бу усулни ўртача даражада амалиётда ишлатишади ҳамда маржинал харажатлар вариантига амал қилишади.

Шундай қилиб, дунёнинг табиий монополиялар фаолиятини тартибга солишдаги муҳим тажрибасидан иқтисодиётнинг ушбу сегментларини ислоҳ қилишнинг учта асосий тенденциясини ажратиб кўрсатишимиш мумкин, бу ички тартибга солиш амалиётида ҳисобга олиниши керак:

1. Давлат ва бизнес ресурсларини бирлаштириш асосида давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги (Консессиялар, бошқарув функциялари делегацияси, қўшма корхоналар ва давлат шартномалари) орқали табиий монополия тармоқларини давлат томонидан бошқаришнинг қатъийлигини камайтириш.

2. Монополиянинг таркибий бўлиниши – табиий монополиянинг асосий таркибий қисми сифатида ва унинг потенциал рақобат алоқаларидан ташкилий бўлиниши (монополияни фаолиятнинг алоҳида ҳисоби билан бизнес бўлинмаларига ажратиш).

3. Глобализация жараёнларининг табиий монополистик тармоқларда рақобатнинг анъанавий чекланишига таъсири. Иқтисодий имкониятлари ва географик ҳажмини кенгайтириш билан, ҳатто табиий монополия ривожланаётган муҳитда рақобат билан чекланади-истеъмолчи етказиб берувчини танлаш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади.

11. А.А.Матин. *Неценовые методы регулирования естественных монополий в условиях трансформации экономики. Автореферат. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: – 2007.*
12. Ж. Сапир Естественные монополии: проблемы определения и контроля // Проблемы прогнозирования. 2004. №6. С. 46.
13. М.М.Хайкин ва В.А.Кныш. Естественные монополии в российской экономике: выбор модели регулирования. Управленческое консультирование. № 5. 2017.
14. Г.М.Николаевна. Естественная монополия в Евразийском экономическом союзе: понятие, сущность, виды и сферы деятельности. Траектория наука. www.pathofscience.org. Электронный научный журнал. № 4(9). 2016.
15. Блэк Дж. Экономика. Толковый словарь / Дж. Блэк; пер. с англ., под общ. ред. д-ра экон. наук И. М. Осадчей. – Москва: ИНФРА-М, 2000. – 548 с.
16. О.В.Власенко ва Д.С.Тарасов. Естественные монополии и их проблемы в экономике России. Наука и общество. Сибирский торгово-экономический журнал. № 4 (25) 2016.
17. Maya Bacache-Beauvallet, Anne Perrot *Economic Regulation: Which Sectors to Regulate and How? In Notes du conseil d'analyse économique Vol. 44, Issue 8, 2017, pages 1 to 12*
18. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашии қўмитаси маълумотлари.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Хайитов Saidжон Бахтиёр ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
докторанти

Аннотация. Бугунги қунда мамлакатлар барқарор риволанишини янги босқичига олиб чиқиши учун катта куч сарфламоқдалар. Ҳукуматимиз мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун мавжуд барча омиллардан фойдаланмоқда. Ушбу тадқиқотда мамлакатнинг иқтисодий ўйинига таъсир этувчи омиллардан бири, янги тадбир сифатида қабул қилинган фактор - давлат-хусусий шерикчилик механизмини тақомилластириш ва унинг миллий иқтисодиётимизга таъсирини оширишини ўрганиши ва таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Калим сўзлар. Харакатлар стратегияси, ДХШ механизми, ДХШ ривожлантириш агентлиги, инфратузилмавий лойиҳалар, хусусий шерик, транспорт, туризм, ахолига хизмат қўрсатиш, медицинна, қурилиш, ЯИМ, иқтисодий ўсииш.

ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Хайитов Saidжон Бахтиёрович -
докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. Сегодня страны прилагают большие усилия для вывода устойчивого развития на новый уровень. Наше правительство использует все доступные факторы для дальнейшего увеличения экономического потенциала страны. Данное исследование направлено на изучение и анализ одного из факторов, влияющих на экономический рост страны, фактора, принятого в качестве новой меры - совершенствования механизма государственно-частного партнерства и увеличения его влияния на нашу национальную экономику.

Ключевые слова. Стратегия действий, механизмы ГЧП, агентство развития ГЧП, инфраструктурные проекты, частный партнер, транспорт, туризм, общественные услуги, медицина, строительство, ВВП, экономическая занятость.

PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH

Hayitov Saidjon Baxtiyorovich -
doctoral student of the Tashkent state university of economics

Abstract. Nowadays, countries are making great efforts to bring sustainable development to a new level. Our government uses all available factors to further increase the economic potential of the country. This study is aimed at studying and analyzing one of the factors influencing the economic growth of the country, a factor adopted as a new measure - improving the mechanism of public-private partnership and increasing its impact on our national economy.

Key words. Action strategy, PPP mechanisms, PPP development agency, infrastructure projects, private partner, transport, tourism, public services, medicine, construction, GDP, economic employment.

Кириш. Мамлакатлар ўзларини барқарор ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиши учун катта куч сарфламоқдалар. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун, ҳукумат мавжуд

бўйлган барча омиллардан фойдаланмоқда. Хусусан, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторни ривожлантириш бўйича чора тадбирлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.